Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 18-NOYABR ■ PAYSHANBA ■ 137 (27.312) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV. №

**ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ**




## САЙЛОВОЛДИ МАШВАРАТ

17 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий Ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда сайловларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзХДП МК матбуот хизмати**

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ижтимоий адолат тарафдори. Буни биз партиямиз дастурида ёзиб қўйганмиз. Жамиятдаги ушбу ўта мураккаб масалаларни ҳал этишга тўсиқ бўлган барча кучларга биз сиёсий муҳолифмиз**

## КИМГА ОВОЗ БЕРМОҚЧИСИЗ..?

Депутат! Бу сўзнинг замирида жуда катта маъно бор. Бугунги депутат аввалгиларидан мутлақо фарқ қилади. У мамлакат миқёсидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётга дахлдор, жаҳон андозалари даражасидаги қонунлар қабул қилиниши учун билим ва салоҳиятга эга киши бўлмоғи керак. Шундай ҳам бўлаяпти: беш-олти номзод орасидан ана шундай тафаккурли, эл иши учун жон койитадиганини танлаб, унга ўз овозимизни берсак, келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўламиз.

Ҳар бир сайловчи энг аввало қайси номзодни ёқласа, ўз тақдири, бошқаларнинг ҳаёти неchoғли бахтиёр, фаровон бўлишини шу депутатга боғлаётганлигини англаб етиши керак. Сайловчиларнинг юксак масъулияти энг муносиб одамларни танлашда намоён бўлади. Хўш, бунда нималарга эътибор қаратмоқ керак?

Сайловчи ўз дилидаги номзодни танлашда шу савол доимо ёдида бўлмоғи лозим. Негаки, ёлғон ваъдалар билан иш битирадиган замонлар аллақачон ўтди. Бугун ҳам баъзи номзодлар шу усулни қўллаб сайланаман, деб умид қилиб юрган бўлса, чучварани хом санабди. Кечирасизлар, халқ ўзлигини аллақачон таниди. Ўз тақдирини энди ўзи берадиган овози билан яратишини тушуниб етди. Халқ ҳозир тафаккури юксак, адолатли қонунлар қабул қилишда ва уни амалга оширишда элга қайишадиган жонкуяр депутатни истайди.

**Тўлқин ХЎЖАНОВ,**
**Яккабоғ туманидаги «Қўштол» хўжалиги раиси**

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР СУЛОЛАСИ





**Суратларда:** Равшан ака шогирди, йўл устаси Ҳайит Ашуровга маслаҳат бермоқда; ўз ишининг устаси Сафархол Шомирова.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

Ота-онаси «Бақтрия» темир йўл бекатига кўчиб келганида у 12 ёшда эди. Атроф бийдай дала. Сўппайган иккита темирйўлчилар казармаси бор, холос. Отаси Ҳайдар ака темирйўлчи эди. Илгари Туркманистоннинг «Келиф» бекатида ишларди. Ўша даврларда темир йўл ягона тизимда бўлиб, Ўрта Осиё темир йўли дейиларди.

Равшан аканинг болалиги темир йўлда ўтди. Мактаб қайда дейсиз? Сув, нон, озиқ-овқатни ҳам вагон-поездларда олиб келишарди. Кичкиналигидан бошлаб отасига кўмаклашди. Темир йўл бўйларидаги белгиларни жиҳозлаш, тартибга келтириш, атрофни ободонлаштириш.— ҳаммаси уч-тўрт кишининг зиммасида эди.

Темирйўлчиларнинг вазифаси биринчи навбатда график бўйича қатновни ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдир. Кечаю-кундуз 10 км. масофани назорат қилишарди. Ўша даврларда рельслар, шпаллар тез-тез ишдан чиқар, шу боис, уларни ўз вақтида алмаштириб туриш даркор эди. Шундай қийин, масъулиятли ишни отаси ҳамкасблари билан бажарарди. Бундан ёшгина Равшан мағрурланар, отасига ўхшашни чин дилдан истарди...

18 ёшида уни ишга қабул қилишди. Махсус курсларда ўқиб келди. Йиллар уни тарбиялади. Оддий темирйўлчидан катта йўл устаси даражасига етди. Обрў-эътибор қозонди. Ўзига муносиб ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди. Айни дамда нафақада бўлса-да, Равшан ака темирйўлчилар билан бирга. Укалари Нормурод, Хуррам, Кенжа ҳам темирйўлчи. Оилалари билан «Бақтрия» темир йўл бекатида ишлашади. Равшан ака эса Жарқўрғонда. Улар учун темирйўл ҳаёт йўлидир.

## Сайловлар ва ОАВ

## ОШКОРАЛИК ВА ХОЛИСЛИК АСОСИДА

Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги йиғилиш сайловолди ташвиқот жараёнида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби масалаларига бағишланди. МСК матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарор ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давлат оммавий ахборот воситалари номзодларнинг, сиёсий партияларнинг тарғиботини бепул амалга оширади. Бошқа турдаги ОАВга пул фақат сиёсий партиянинг ёки маълум сайлов округининг ҳисоб рақамидан ўтказилиши керак, — деди у. — Агар депутатликка номзод таҳририятга келиб: «Мен фалон корхонанинг раҳбариман, тарғибот-ташвиқот ишларим учун шу корхонадан пул кўчириб бераман», деб таклиф қилса, буни таҳририят рад этиши лозим. ОАВ сайловда иштирок этадиган барча субъектлар учун тенг шароит яратиши керак. Уларнинг ички ишига МСК аралашмайди. Лекин улар бир номзодга бошқа таъриф, иккинчисига бошқача таъриф қўллашлари мумкин эмас.

Шундан сўнг қизғин савол-жавоблар бошланди.

**Савол: Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларнинг сайловолди тарғибот ишлари учун қанча маблағ ажратилади?**

**Жавоб:** МСК фақат Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўладиган сайловни ташкил қилади. Маҳаллий Кенгашларга сайловни жойлардаги сайлов комиссиялари ташкил этади. Уларга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади ва ҳар бир номзодга қанчадан тушишини уларнинг ўзи белгилайди. МСК бу ишларга аралашмайди. Мазкур масалада саволлар туғилса сайлов комиссияларига мурожаат этиш мумкин.

**Савол: Ўзбекистон радиосининг каналлари орқали текинга бериладиган сиёсий партияларнинг роликларини уларнинг ўзлари тайёрлаб тақдим этадими?**

**Жавоб:** Роликлар матнларини сиёсий партиялар ўзлари тақдим этадилар. Агар бу жараёнда бирор-бир муаммо чиқадиган бўлса, буни икки томонлама ўзаро фикрлашиб бартараф этган маъқул.

**Савол: Марказий сайлов комиссияси томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинганларнинг рўйхати матбуотда қачон чоп этилади?**

**Жавоб:** Бу рўйхат марказий матбуотда чоп этилмайди. Яқин уч-тўрт кун ичида МСКнинг номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори чиқади ва номзодларнинг рўйхати тегишли маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

**Савол: Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари қизғин кетаётган вақтда ҳам ОАВ томонидан жойлардаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида кўрсатув, эшиттириш, мақолалар тайёрланиши мумкин. Бу маълум номзоднинг тарғиботига қўшимча ёрдам бўлиб қолмайдими?**

**Жавоб:** Агар бирор ташкилот меҳр-мурувват ёки бошқа катта-катта тадбирларни ўтказса, агар шу ташкилот раҳбари депутатликка номзод бўладиган бўлса, бу ҳақда ОАВда хабар бериш, кенг ёритиш мумкин эмас. Сиёсий партияларнинг нашрлари эса, бундан мустасно. Улар хоҳласа, ўз партияси фаоллари ҳақида бемалол ёзишлари, нашрлари нусхаларини кўпайтириб чиқаришлари ҳам мумкин. Бошқа нашрлар эса, одатдаги нусхаларини атайин кўпайтиришлари мумкин эмас.

Йиғилишда сайловолди ташвиқотлари, хусусан, номзодларни ОАВда ёритиш ишлари қонун доирасида ошкора ва холис бўлмоғи зарурлиги таъкидланди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов 2004 йил 19 ноябрь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Бухорода бўладиган олий даражадаги музокаралар чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланади.

## КЎРГАЗМАДА EXPO ITALIA

Куни кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да EXPO ITALIA бешинчи халқаро кўргазмаси очилди. Кўргазмада Италиянинг 70 дан ортиқ корхоналарида ишлаб чиқарилган кийим-кечак, пойабзал, турли дастгоҳлар, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва бошқа товар маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Улар орасида Пратодан ҳунармандчилик, кичик ва ўрта тадбиркорлик ЧНА Миллий конфедерациясини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу бирлашмага турли хилдаги тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, корхоналар гуруҳи томонидан ташкил этилган Тоскана Экспо Мек консорциуми, саноат корхоналари қурилиши ва уларни лойиҳалаш гидротермик ҳамда электр энергияни тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича ташкил этилган ЧИТЕП компанияси, транспортёр ленталари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тоскана Настри компаниясининг корхоналари киради.

Шу йил бошидан буён Ўзбекистондан Италияга 43,60 млн. АҚШ доллари миқдорида товар маҳсулоти экспорт қилинди. Италиядан эса худди шу муддат ичида 36 млн. долларлик товар Ўзбекистонга келтирилди.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## «Обуна — 2005»

- **Мамлакатимизда ёши энг улуғ газета — бизнинг газета.**
- **Халқ манфаатлари, миллат манфаати учун кураш бош мақсади бўлган газета — бизнинг газета.**
- **Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимоялашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билган газета — бизнинг газета.**
- **Муаммоларни энг кўп, ошкора ёритадиган, инсон ҳақ-ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга бел боғлаган газета — бизнинг газета.**
- **Бу газета Ўзбекистонимиз овози, сизу бизнинг овозимиз, эркин сўзимиз!**

ФМТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК газета | 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| | Обуна сони | |
|---|---|---|

2005 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отасининг исми)

✂ - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - -

ФМТ-1

| п.в. | Жойи |
|---|---|

Нашрга етказиш варақаси

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2005 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга

## «САЙЛОВ — 2004»: ЯНГИ КИТОБЛАР





**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда «Сайлов — 2004» туркумида ўндан зиёд сиёсий адабиётни нашр этди.**

«Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик» (М.Рустамбоев), «Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш» (К.Ҳамидова), «Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими» (Ҳ.Муҳамедов), «Выборы: вопросы и ответы» (Ф.Мухиддинова), «Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги» (Б.Мустафоев) китобларида сайлов тушунчасининг мазмун ва моҳияти, уни ўтказиш тартиби ва асослари, сайловчи ва номзодларга қўйиладиган талаблар ҳамда партияларни молиялаштириш асослари батафсил ёритилган.

«Сайлов қонунчилиги: 100 саволга юз жавоб» (М.Аҳмадшоева, Ш.Расулов), «Ким депутат бўлиши мумкин?» (Б.Мустафоев, Қ.Назаров), «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти» (М.Ҳусанова), «Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси» (О.Жумаев) рисолаларида номзодлар ва депутатнинг маънавий қиёфаси, масъулияти ва бурчи тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритилади.

Бу галги сайлов кампаниясини ёритишда мингга яқин оммавий ахборот воситаси иштирок этаётир. «Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари» (Ғ.Мирзаев) рисоласида сайловлар ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳамда жамият қурилишини демократлаштириш жараёнида тутган ўрни қизиқарли фикр-мулоҳазалар асосида очиб берилган.

«Сайловлар ва сиёсий партиялар» (И.Беков, Ш.Аббосхўжаев), «Международное право и избирательное законодательство Республики Узбекистан» (А.Саидов), «Формирование Сената» (С.Лебедева), «Избирательное право и избирательный процесс в Узбекистане: словарь» (Б.Мустафоев, Д.Ахмедов) китобларида эса халқаро сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари ва андозалари, юртимизда Олий Мажлис Сенатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказиш тартиби содда ва равон тилда тушунтирилган.

Сайловчилар, депутатликка номзодлар, сайлов комиссиялари аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ва кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган ушбу китоблар Тошкент давлат юридик институти босмахонасида кўпминг нусхада чоп этилди.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Сайловлар тўғрисида саволингиз борми?**

# ТАРҒИБОТ ДАВРИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

**Бугунги саволларга ТДЮИ ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради**

**— Сайловолди кампанияси даврида депутатликка номзодлар «қаттиқ меҳнат» қилишлари табиий. Лекин уларнинг ўз хизмат вазифалари ҳам бор-ку. Икки ишга қандай улгуришади?**

*Боғдагул СУЯРОВА,*
*Қарши шаҳри*

— Улгурмаслиги табиий. Чунки сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари уларнинг жуда кўп вақтларини олиб қўйиши мумкин. Шунинг учун қонунда белгиланганидек, депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинганлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларда қатнашишда, умуман сайловолди кампаниясининг тарғибот ишлари билан банд бўлган вақтида ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ўз хизмат вазифаларидан озод бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

**— Депутатликка номзодлар сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари учун чўнтагидан пул сарфлаши мумкин эмас, деб эшитганман. Лекин у транспортда юрганда унга пулни ким тўлайди?**

*Қуандиқ БЕКБОУЛИЕВ,*
*Қорақалпоғистон Республикаси*

— Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан сўнг тегишли сайлов округи доирасида давлат йўловчи транспортининг барча турларида текин юриш ҳуқуқига эга бўлади. Фақат шаҳар йўловчи транспорти, такси ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишлари бундан мустасно. Сайлов округидан бошқа жойда истиқомат қилувчи номзод ҳам сайлов округига келиш ва кетишда ана шу ҳуқуқдан фойдаланади.

# БЕШ НОЁБ АСАР ЯНА НАМОЙИШ ЭТИЛА БОШЛАНДИ

2001 йил 9 октябрдан 10 октябрга ўтар кечаси Ўзбекистон давлат санъат музейидан рус мусаввирлари Карл Брюллов, Василий Тропинин, Иван Айвазовский, Иван Крамской ва Василий Суриковларнинг суғурта нархи **8 миллион 506 минг** АҚШ долларига тенг бешта санъат асари ўғирлаб кетилган эди. Тезкор суриштирув ва қидирувлар натижасида ноёб санъат асарлари музейга қайтарилди. Жиноятчи топилди, у қилмишига яраша қонун олдида жазога тортилди. Лекин суратлар таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди. Бу иш ҳам амалга оширилди.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Ўзбекистон давлат санъат музейида санъат асарлари устида олиб борилган реставрация ишларининг якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Уни музей раҳбари Насиба Иброҳимова кириш сўзи билан очди. Ушбу хайрли ишда жонбозлик кўрсатган Бобур Мелиев, Бахтиёр Ботиров каби мусаввирларга ўз миннатдорчилигини билдирди. У бундан ташқари музейда амалга оширилган таъмирлаш ишлари ва бебаҳо санъат асарларини сақлаш учун яратилган шарт-шароитлар хусусида ҳам гапириб ўтди. Музей раҳбарияти журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Энди санъат ихлосмандлари ўзлари орзиқиб кутган бу бешта ноёб ва бебаҳо асарларни музейда яна қайтадан томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар.

**Маъмуржон ПАРПИЕВ**

**Сайлов тараддуди**

# ФУҚАРОЛАРГА БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ

Халқимиз тарихий воқеалар арафасида турибди. Шу йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Айни кунларда ана шу улкан сиёсий кампанияга тайёргарлик тобора авж олмоқда. Юртимизда илк бор шакллантириладиган икки палатали Парламентнинг истиқболи — бутун мамлакатимиз ва халқимиз истиқболи демакдир. Шундай экан, бу улуғвор ишга барчамиз масъулмиз.

Тараққийпарвар давлатларда сайловлар азалдан фуқароларга берилган кенг имконият, демократиянинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳоланади. Юртимизда бу йил ўтказилажак сайловлар ҳам ана шундай демократиянинг намунасидир. Унда сайловчи фақат овоз бериш ҳуқуқигагина эга, деганлар янглишади. Билъакс, у ўзининг сиёсий мақсадларига ҳам эришади. Яъни, сайловолди ташвиқоти даврида ҳар бир онгли фуқаро ўз мақсадлари ва таклифларини ҳам эмин-эркин билдириши мумкин. Эртага депутатлик мақомига эга бўладиган инсонлар бугун халқ орасида! Улар аслида шу халқ вакилларидир. Сайловолди ташвиқоти даврида улар юзма-юз мулоқотда бўладилар, фикр алмашадилар. Демак, сайловчиларнинг хоҳиш-истаги, талаб ва мулоҳазалари депутатликка номзодлар дастурини янада бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайловларга тайёргарлик Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрирда)ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Мазкур қонуннинг 26-моддасига биноан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганда тўхтатилади. Марказий сайлов комиссияси номзодларни рўйхатга олган кундан эътиборан сайловолди ташвиқоти бошланади. Сайловолди ташвиқотига доир кафолатлар ҳам ушбу қонунда белгиланган. Бинобарин, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Мазкур қонуннинг 27-моддасига биноан сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодлар йиғилишлар ўтказиши учун жиҳозланган бинолар ажратишлари, сайловчилар билан учрашув ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари белгиланган. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сайловолди ташвиқоти аслида маълум бир сиёсий партия, мустақил ташаббускор гуруҳ ёхуд бўлғуси Парламент депутатининг жамоатчилик билан алоқалари демакдир. Бундай мулоқот даврида фикр айтилиши ва тингланиши тақозо этилади. Айнан сайловолди ташвиқоти даврида худди шундай ҳолни кузатиш мумкин. Бир томонда депутатликка номзод, иккинчи томонда сайловчилар юзма-юз ўтирадилар. Номзоднинг сайловолди дастури билан танишиш ва ўз навбатида фуқаролар фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиши — жамоатчилик билан алоқаларнинг ўзига хос кўринишидир. Бу жараёнда ҳар бир онгли, тафаккурли киши юксак сиёсий маданиятини намойиш этмоғи жоиз.

Бугунги сайловчилар зиммасига катта масъулият тушади. Сиёсий савияси, маънавий дунёқараши анча юксалган фуқароларимиз бу сиёсий кампанияга мутлақо бефарқ қарамасликлари керак. Бунинг учун ҳар бир сайловчи нафақат сайлов қонунларини, балки эртага мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган барча қонунлар моҳиятини чуқур англаб етмоқлари зарур. Номзодлар, партия вакиллари билан учрашувларда майда-чуйда ташвишлар мавзусига ўралашиб қолмасдан глобал масалалар ечими ҳақида мухтасар фикрлар билдирилиши мақсадга мувофиқдир.

**Тўлқин ЭШБЕК**

**Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳаётидан**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Янгийўл тумани**даги «Ниёзбош» қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, мактаб директорлари иштирокида ХДП IV қурултойи якунлари ҳамда бўлажак сайловларга бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. «Ниёзбош» ширкат хўжалиги раиси, қурултой делегати А.Юсупов иштирокчиларга бу ҳақда батафсил ахборот берди.

**Янгийўл шаҳар партия кенгаши**да партия фаолларининг ХДП IV қурултойи иштирокчиси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитасининг раиси М.Исмоилова билан учрашуви ҳам ЎзХДПнинг IV қурултойи якунлари ва унда қабул қилинган қарорларга бағишланди.

**ХДП Урганч туман кенгаши** туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби билан биргаликда «Сайлов қонунчилиги ва сиёсий партиялар» мавзуида «давра суҳбати» ўтказди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Х.Ваисчанов сўзга чиқиб, ЎзХДПнинг IV қурултойи якунлари, сайлов қонунчилиги ҳақида гапириб берди.

**Бўз туман партия кенгаши** биринчи котиби, партия IV қурултойи делегати А.Қодиров туман педагогика коллежида учрашув ўтказди. У иштирокчиларга қурултой якунлари ва унда кўрилган масалаларнинг мазмун-моҳияти, сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақида гапириб берди.

**Бектемир туман партия кенгаши**да бир гуруҳ фаолларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловолди жараёнларида партия ташкилотининг вазифалари ва бажарилиши зарур бўлган ишлар муҳокама қилинди.

**Бектемир туман партия кенгаши** мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳарбий тайёргарлик масалаларига бағишланган танлов ташкил қилди.

**Хоразм вилоят партия кенгаши**да бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини бажаришда вилоят партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Унда вилоят партия кенгашининг тадбирлар режаси, жамоатчилик комиссиялари раҳбарлари тасдиқланди ҳамда вилоят аҳолисига Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини уюшқоқлик ва кўтаринкиликда нишонлаш бўйича мурожаатномаси қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**



# ХИВАЛИК ЁШ ЎЙМАКОРЛАР

Хива шаҳар ҳунармандчилик уюшмасига қарашли Ичан Қалъа қўриқхонасида жойлашган ёғоч ўймакорлиги цехида эшик, устун, дераза, стол-стуллар, шунингдек, ёғочдан ясалган сувенир ҳамда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўймакорлик цехида тажрибали устозлар 50 нафар ёшга ҳунар сирларини ўргатмоқда. Ҳозирда қадимий Хоразм ўймакорлик санъатини ана шу истеъдодли ёшлар давом эттирмоқда.

Улар ишлаган кўпгина ёғоч буюмлар республика ва вилоят кўрик-танловларида намойиш этилган.

✧✧✧

**Суратда:** (чапдан) Достон Абдуллаев ва Дониёр Хожиев.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

# «ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ!»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўтказиб келаётган «Олтин олма, дуо ол!» тадбирларини давом эттирмоқда. Шунингдек, бу тадбирлар асносида фахрийлар, ногиронлар, меҳр-мурувватга муҳтож қарияларнинг, фахрий партия аъзоларининг ҳол-аҳволидан хабар олиб туриш мақсад қилиб қўйилган. Шу сабабли туман кенгаши биринчи котиби Л.Исматова бошчилигида уларни партиянинг 13 йиллиги ва Хайит байрами арафасида кўнгилларини кўтариш мақсадида ҳомийлар билан ҳамкорликда 10 нафар фахрий ва ногирон партия аъзолари хонадонларига ташриф буюрилди. Уларга совға-саломлар улашилди.

**Ўғилой СИНДАРОВА**

**Табиат ва инсон**

# СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ НИМА?

## ЁКИ ШАҲАР КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИГА ТАШЛАНАЁТГАН ЧИҚИНДИЛАР ОҚОВА СУВЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИГА КАТТА МУАММО ТУҒДИРАЁТГАНИ ХУСУСИДА

**Халқимизда қадимдан шундай ибора бор: оқар сувга хас ташлама, уволи тутади. Афсуски, сувни тоза, пок сақлаш ҳақидаги минг йиллик анъаналаримизга бугун бироз лоқайдлик билан қараётган ҳоллар учраб туради. Айниқса, куз, қиш, баҳор ойларида кўча, мавзе ёки одам гавжум жойларда ҳам сув тошиб ётганини ёки «оғзи очиқ қудуқ»қа одамлар ахлат ташлаётганини кўриб қоламиз.**

**Оқова сувлар қаерга боради? Табиат, экология, инсон саломатлигига қандай таъсир қилади? Канализация тармоғидан қандай фойдаланиш керак? Оқова сувда ҳамма нарса оқаверадими?**

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Сувсоз» трести давлат унитар корхонасига қарашли оқова сув тармоқлари бошқармаси бошлиғи Мирёдгор ҚОДИРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.**

**— Мирёдгор Жамолович, бир қарашда майда-чуйда бўлиб кўринса-да, нега гоҳида чиқинди сувлари тошиб, атрофни ифлослантириб ётади? Ёки бу оқова сув тармоқларининг талаб даражасида ишламаётгани оқибатими?**

— Бунинг сабаби оддийгина, одамларимизнинг сувга нисбатан нотўғри муносабатидир. Шаҳар водопроводларига ёз ойларида 2,5 миллион кубометргача тоза ичимлик суви етказиб берилади. Хўш, шунча сув истеъмолдан кейин қаерга кетади? Кўпчилик буни ўйлаб кўрмайди ҳам. Улар канализация, яъни оқова сув тармоғига кетади, сув тозалаш иншоотларига етказиб берилади. Шаҳарнинг икки четида — Салор ҳамда Қуйи Бўзсув тозалаш иншооти бир кеча-кундузда 2 миллион кубометргача сувни тозалаб, зарарсизлантириб, экинларни суғориш учун очиқ сув ҳавзаларига ташлайди.

Канализация тармоғидан фойдаланишнинг ўз тартиби бор. Афсуски, баъзи одамлар ҳозир канализация билан ахлатхонани фарқламай қўйишган, ҳамма маиший чиқинди, хазон-у ахлат тўкиб ташлашяпти. Ўйлашадики, оқова сувда ҳамма нарса оқиб кетаверади. Натижада сувни қайта ишлаш технологияси бузиляпти. Бу эса қатор муаммоларни келтириб чиқаряпти. Шаҳар бўйлаб тармоқни кузатувчи юз мингдан ортиқ қудуқларимиз бор. Баъзи нопок кимсалар шу қудуқларнинг қопқоғини ўғирлаб кетади, аҳоли очиқ қудуқни кўриб истаганча чиқиндиларни тўкиб ташлайверадиган бўлиб қолди. Ҳар бир назоратчи маълум масофани кузатиб турса-да, қудуқ бошида қоровуллик қилолмайди, агар улар 2-3 кун қудуқдан хабар олмай қўйишса, ахлат тиқилиб, оқова сувлар ташқарига тошиб чиқади. Натижада, атроф-муҳит, ҳаво ифлосланади. Экологик ҳолат бузилади. Бошқармамиздаги 800 нафардан ортиқ ходимлар қудуқларни куну тун кузатиб, назорат қилиб туради. Шунча саъй-ҳаракатимизга қарамай, бир кеча-кундузда 40-50 та нохуш ҳолатлар содир бўлиб туради.

Яна бир муаммо, тозалаш иншоотига етказиб берилган сувнинг сифати, ҳолатига боғлиқ. Чунки бу жараённинг қатъий технологияси мавжуд, агар сувга ахлат, чиқиндилар тушса, иш жараёни издан чиқади, айниқса, баъзи ташкилотларнинг канализацияга ташлаётган мойлари бизга катта қийинчиликлар туғдириб, ортиқча сарф-харажатга олиб келяпти. Технологик жараёнга ҳаттоки қор, ёмғир суви тушсаям қувурларнинг ишлаш қуввати бунга дош беролмайди, тозалаш иншоотининг фаолияти бузилади.

Бир вақтлар шаҳардаги маҳаллаларда очиқ сув ҳавзалари, ариқлар бўларди, оқова, ёмғир, қор сувлари оқиб чиқиб кетарди. Ҳозир афсуски, уларнинг аксарияти кўмилиб кетди.

**— Айтинг-чи, сувни тозалаш иншоотларида қандай муаммолар бор?**

— Сув тозалаш иншоотларидаги аҳволни оддий одам, очиғи, баъзан тасаввурига сиғдиролмаслиги мумкин. Айниқса, ёз ойларида Эски шаҳар ҳудудидаги канализация тармоқларига тадбиркорлар, қассобларимиз қўй-молнинг калла-почаси, қорни, ичак-чавоқларини ташлашади. Ҳозир нима кўп «чаламулла» қассоб кўп, улар мол сотиб олаётганда вазнга учишади. Натижада, улар бўғоз молни сўйишяпти. Ноинсофлик шу даражага бориб етдики, мол-қўйнинг қорнидан чиққан бузоқ, қўзичоқларни тўппа-тўғри канализация қувурларига ташлаб юборишяпти. Қассоблар яхши билишади, ёз ойларида, умуман, мол-қўйнинг ичак-чавоқ, қоринлари иссиқда тез бузилади, тезроқ арзон-гаровга сотишса ёки сўраганларга тарқатишса, оладиган одам топилади-ку?! Ёки шу маҳсулотларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш мумкин эмасми? Улар бу чиқиндиларни махсус ахлатхоналарга ташлашдан қўрқишади. Чунки биров кўради, санэпидстанция ходимлари катта миқдорда жарима солади-да, «қудуқнинг кўзи кўр» дейишади-ю, ағдаравеpишади. Қолаверса, қувурларнинг айланаси 100 миллиметрдан то 2,5 метргача, тонналаб ахлатни оқиза олади. Лекин бу оқова сувда ҳамма нарса оқиб кетаверади, дегани эмас-ку?! Оқова сувлар сув тозалаш иншоотларига ташланишдан олдин панжара-тўсиқдан ўтади. Ҳамма муаммо шу ердан бошланади. Панжараларга турли хил ахлат, маиший чиқиндилар, айниқса, ичак-чавоқлар ўралашиб қолади, панжара олдида тўғон ҳосил қилади, сувнинг босими ортиб, панжараларимиз синиб, ишдан чиқади, автоматик режим тўхтаб қолади. Биз миллионлаб сўм ортиқча сарф-харажат қилиб, уни тузатишга мажбур бўляпмиз. Панжаралар бир кунда 300-400 килограммлаб шундай «қассобхона чиқит»ларини ушлаб қолади. Яна бир томони, ходимларимиз сувга тушиб бу чиқиндиларни қишин-ёзин қўлда тозалаб олиб чиқадилар, негаки бунинг бирор технологияси йўқ, улар қиш ойларида қанча соғлиқларини йўқотади. Бунга ким жавоб беради? Бу муаммонинг ечими фақат ўзимизга, сувга бўлган муносабатимизга боғлиқ. Қолаверса, табиатга, ҳайвонот оламига бундай шафқатсизлик ҳеч бир инсоний фазилатга, қоидага тўғри келмайди-ку? Яна бир ташвишли томони бундай чиқиндилар, айниқса, гўшт маҳсулотлари сувда иригач, сувнинг таркибини заҳарлайди, бу инсон саломатлиги учун ўта хавфли юқумли касалликларни келтириб чиқаради.

Табиатдаги ҳаво, сув, тупроқ, бутун борлиқ мувозанатда, битта экотизимда ётади. Ўйлаб кўринг, шу сув кейин деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчиликда фойдаланиш учун очиқ сув ҳавзалари орқали узатилади. Тадбиркорлар ўша сувдан ичган далаларда етилган маҳсулот — помидор, бодринг ёки олмани яна ўзимиз, фарзандимиз, оиламиз истеъмол қилишини ўйлаб кўришармикин?! Биз кимни алдаяпмиз? Ўзимизни. Табиатни алдаб бўлмайди. У одамзоднинг хатосини кечирмайди, жазолайди.

**— Оқова сувларни қайта тозалаш жараёнида қандай муаммолар пайдо бўлади?**

— Аввало, қувурларни ташланган ахлатлардан тозалагунча сувни тозалаш технологияси бузилади. У тўхтаб қолади, миллионлаб сўм, электр энергия, хлор ортиқча сарфланади ва энг ёмони сувнинг сифати бузилади. Биз бир кубометр сувни тозалаш учун 16 сўм 49 тийин сарфлаймиз, аҳолидан канализациядан фойдалангани учун 16 сўм оламиз. Биз ортиқча харажатлар туфайли зарар кўриб ишлаяпмиз.

Маълумки, оқова сувни тозалаш учун гипохлорид-натрийдан фойдаланилади. Илгарилари уни Россиянинг Волгоград шаҳридан сотиб олардик. Технологик жараённи ўзбекистонлик муҳандислар ишлаб чиқишди, натрий хлор-ош тузидан гипохлорид-натрий оляпмиз. Бир кубометр сувга 3 сўм 40 тийинлик хомашё сарфланади, агар бир кунда 1 миллион 800 — 1 миллион 900 кубометр сувни тозалаб, қайта экин-тикин учун тайёрлаб беришни кўз олдимизга келтирсак, ишимизнинг кўлами аниқ кўринади.

Қуйи Бўзсув иншооти 1 миллион кубометр оқова сувни тозалаб бериш қувватига эга. Ҳозир у бир кеча-кундузда 800-900 минг кубометр оқова сувни тозалаяпти. Салор сув тозалаш иншооти эса 1 миллион 300 кубометр оқова сувни тозалаш қувватига эга, ҳозир 1 миллион кубометр оқова сувни тозалаб, очиқ сув ҳавзаларига ташлаяпти.

**— Мутахассис сифатида, дунёдаги ривожланган мамлакатларда бу тармоқ қандай фаолият юритади?**

— Биз покдомон халқмиз, аждодларимиз атроф-муҳитни покиза тутишга, айниқса, очиқ сув ҳавзаларини ниҳоятда тоза сақлашга эътибор берганлар. Кези келди, яна бир мулоҳазамни айтсам. Яқинда Германияда бўлдим, немисларда сувга муносабат юксак маданият даражасига кўтарилган экан. Очиқчасига тан олиб айтаман, немис халқи табиат, сув, ҳавони «ўз уйи», «ўзининг шахсий мулки» деб англаркан. Табиатга муносабат бутунлай бошқача, тўғриси, ҳавас қиласиз. Бонивер шаҳарчасидаги сув тозалаш шахобчасида, айтсам ҳайрон қоласиз, 4 нафар ходим ишларкан, ҳамма жараёнлар компьютерлаштирилган, водопровод сувини жуда тежаб ишлатишаркан, қолаверса, техник сув, яъни санузел сувига алоҳида жумрак, тоза ичимлик сувиники алоҳида. Техник сувнинг нархи ҳам қиммат, оқова сувнинг канализациясига наинки ахлат, қор, ёмғир суви мутлақо улаб қўйилмайди. Германияда бир киши 180 литр сув ишлатади, бизда-чи? 600-700 литр сув ишлатилади, негаки, биз сувдан тежаб-тергаб фойдаланмаймиз, онгимизда ҳалиям сув «умумники» деган нотўғри тушунча мавжуд.

Баъзи одамларнинг сувга бўлган бундай нотўғри муносабати кўплаб муаммоларга сабаб бўляпти. Яна бир масала устида тўхталсак. Айрим мутасадди ташкилотлар биздаги муаммоларга панжа ортидан қараётганликлари оқибатида фирма, тадбиркорлар канализация қувурлари ўтган жойларгаям ўйламай-нетмай дўкон қуриб ташлашяпти, сал ўтмай ер чўкиб, қувурларимизни ишдан чиқариб, яна катта зиён етказяпти.

**— Шаҳримизнинг географик ўрни, яъни «паст-баланд»лиги ҳам бу тармоққа айрим қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкинми?**

— Турган гап, муаммо пайдо бўлади. Мана, Сергели ҳудудидаги насос станцияси бир кеча-кундузда 100-120 минг кубометр сувни Салор сув тозалаш иншоотига «кўтариб» беради. Муаммо туғилди, биз ўша ҳудуднинг ўзида сув тозалаш иншооти қуришимиз керак. Чунки Сергели географик жиҳатдан шаҳарнинг энг пастки қисмида, Чирчиқ дарёсининг бўйида жойлашган. Ҳозир биз ўша сувни тепага кўтариб беряпмиз. Бу иш электр энергиясининг ўзига миллионлаб ортиқча маблағ сарф ҳаражат қилинади, дегани. Ҳозир биз Россиядан келтирилган насослар билан ишлаймиз. Чет элдаги ана шундай сувни кўтариш технологиясини, шведларнинг насослари, Қорақалпоғистонда қўлланиляпти, натижаси яхши бўляпти. Аввало, бу канализация насос станцияси мустаҳкам, тежамкор, фойдали томони кўп. Биз ҳам шведларнинг насосларидан фойдалансак, икки йиллик электр энергияси учун кетган маблағни тежаб қоламиз. Агар Россия насосларининг битта электр двигатели 800 киловатт энергия сарфласа, швед насоси 400 киловатт билан шунча сувни «чиқариб» беради. Демак, бирга-бир, тенгма-тенг энергияни иқтисод қиламиз, тежаймиз.

Шаҳарнинг географик жиҳатдан паст нуқталарида 15та худди шундай насос станциямиз мавжуд. Демак, аста-секин шу тизимга ўтамиз, тендер асосида шундай замонавий насосларни оламиз. Бугун шведларнинг ваколатхонаси вакили билан шартлашув асосида шундай насосларга берган буюртмамизга ижобий жавоб олдик.

Ҳаёт давом этаверади, вақт ўтган сари канализация қувурлари эскириб, фойдаланиш муддати тугаб боради. Боз устига, шаҳар кенгайиб боряпти, аҳоли сони ўсяпти. Табиийки, муаммолар ҳам ортаверади. Мана, ҳозир шаҳримизнинг 87 фоиз ҳудудига канализация тармоқлари ўтган, қолган 13 фоизининг муаммолари турибди, балки бундан ҳам кўпдир, чунки халқа йўл бўйлаб янги-янги иморатлар қад кўтарди.

Экологик муҳитни мувозанатда сақлаш, кўп жиҳатдан канализация тармоқлари, оқова сувларни тозалаш иншоотларининг талаб даражасида, қатъий технология асосида ишлашига боғлиқдир. Сувнинг ҳам уволи, заволи бор. Зеро, сувнинг мусаффолигини сақлаш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, онгимизда сувга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, юксак маданият даражасига кўтариш ҳар биримиз учун қарз ва фарзга айланмоғи керак.

**Суҳбатдош:**
**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

